




Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келяжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 14 июль № 147 (3422) • Чоршанба

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга



БУЮКЛИКДАН БУЮКЛИК ТУФИЛАДИ

Қадри Рустамжон ўғли!
Сени авваломбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритгани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Сен эришган бу беқиёс галаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва гурурифтхор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манамен деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.
Ўзининг бетақрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу галаба тисолида яна бир бор ёрқин намоян бўлди, десак, ани ҳақиқатни айтган бўлаемиз.
Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукўҳли қўлга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак азийди.

Сендек билимли, мард ва продалар ўғлонни воёга етказган ота-онани, оила аъзоларини, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингизга раҳматлар айтаман.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар қатта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч қимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳаммиса ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

С.Б.Раҳимовни Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидахмад Борович Раҳимов Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 13 июль.

Сайловлар олдида семинар



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида "Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ва 2004 йилда сайлов мавсумини уюштириш ва ўтказишнинг долзарб масалалари" мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси Раиси, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Муса Ернязов бошқарган анжуманда мамлакатимизда мавжуд сиёсий партияларнинг Қорақалпоғистондаги қўйи тақилотлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ходим-

лари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқий тизим мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўриतोш Мустафоев бўлгуси парламент, Қорақалпоғистон Республика-

си Марказий сайлов комиссияси раиси Ерназар Жуманазаров Жўқорги Кенгес ва маҳаллий кенгашлар сайловларини ташкил этишга доир масалалар юзасидан маърузалар қилди.

Янғибой ҚўҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Чинида акс этган мўъжиза

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўرғазмалар залида халқ устаси Анвар Нўғмоновнинг "Бахт куши" деб номланган шахсий кўрғазми очилди.

Кўрғазмдан мусавирнинг чинида ишланган йиғирма бешдан зиёд энг сара асарлари ўрин олган. Айниса унинг Ўзбекистон халқ россоми Чингиз Аҳмаров билан ҳамкорликда яратган "Етти ўзгал", Алишер Навоий сингари асарлари барчага

манзур бўлаётир. Кўрғазмдан мусавирнинг шогирди, ёш мўйқалам устаси Милоҳат Мирзахмедова асарлари ҳам жой олганлиги эътиборлидир.

М. ТОҶИЕВА.

Ўзбек ўғлони юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди

Хар бир халқнинг дунё микросидаги обрў-эътибори унинг нафақат иқтисодий салоҳияти, бунёдкорлик даҳоси, ани вақтда маънавий камолоти, ақл-заковати билан белгиланади. Десак хато қилмаган бўламиз. Шу маънода, инсоният тарққитига муносиб улуш қўшган улғу аждолларимиз, уларнинг дунё эътирофи эгизан кашфиёт ва маънавий-маърифий меросидан ҳақли равишда фалҳранишимиз табиий ҳол. Лекин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Хар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим". Бу ҳам ҳақиқат.

Мана, менинқ кўлимда 1997 йилнинг 3 октябрида битилган, ўсмирлик ҳаяжони ила йўриган бир мактуб турибди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: "Очили, мустақиллик бўлмаса, мен қаерда эдим, халқро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмат сир-асрорларини ўрганиш қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, мустақилликнинг Ватанимизда абадий яшши учун, муқаддас Ўзбекистон байроғи жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватини бағишлайман, деб ўзи-ўзимга сўз бердим".

Ха, янглишмадингиз. Ёш ийитнинг беғубор кўнглидан, миллат гуруҳи дера ўраётган юракдан сизиб чиққан бу сўзлар элимизнинг сукулли фаранди Рустам Қосимжоновнинг ўша, халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган пайтда Президент Ислом Каримов номига йўллаган хатидан олинди.

Шу ўринда халқро гроссмейстер ибораси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки Рустам юқорида тилган олинган мактуби ана шундай юксак унвонга сазовор бўлиши, бинобарин, Президентга берган ваъдасининг устидан чиқши муносабати билан ёзган эди.

Ғап шундаки, Р.Қосимжонов 1994 йили биринчи марта ўсмирлар ўртасида Осие чемпиони бўлган вақтида давлатимиз раҳбари унга компьютер соғра қилган ва ўз устида янада кўпроқ ишлаб маҳоратини ошириш лозимлиги ҳақида қимматли маслаҳатлар берганди. Бундай юксак эътибор ва оталарча ғамхўрликнинг самарасини амалда кўриш учун атиги уч йил кўтишга тўғри келди. Халқро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг 68-конгресси Рустам ўз ваъдасининг устидан чиққанлигини нафақат Ўзбекистонга, балки бутун жаҳонга маълум қилди.

Нокматарлик бўлса-да, Сизга айтиши лозим топамки, — деб ёзган эди Р.Қосимжонов ўша мактубида, — жаҳоннинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилар ўнталиги рўйхатида менинқ ҳам ўзбекча исми ва азиз Ватаним — Ўзбекистон номлари қайд этилган. Мана энди халқро гроссмейстерлик унвонини олдим. Бу унвонга 18 ёшгача сазовор бўлганлар жаҳон шахмат тарихида 5 киши экан.

Ваъданинқ устидан чиқмок орият иши, дейди доно халқимиз. Буни яна бир бор такоррлаётганимизнинг боиси шундаки, иқтидорли ёш гроссмейстеримиз куни кеча эл-юртимизга, Президентимизга берган яна бир, таъбир жоиз бўлса, энг қатта ваъдасининқ ҳам устидан чиқди. 24 ёшли ўзбек ўғлони жаҳон шахмат тожининқ муносиб соҳибига айланди. Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионида 56 мамлакатдан 128 нафар шахматчи қатнашди. Ғалаба иштивқида дона сурган ана шу усталардан нафақат икки нафари финалгача етиб келди — ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва буюк британиялик Майкл Адамс. Чемпионат низомига қўра белгиланган, кескин курашлар остида ўтган олти партияда ғолиб аниқланмади. Икки тезкор партиядан иборат "тайбрек" баҳсида эса ватандошимизнинг қўли ба-



ланд келди. Кизиги шундаки, агар ўйин "тайбрек"қа ча етиб келадиган бўлса, албатта Р.Қосимжонов ғалаба қозониши мутахассислар олиндин башорат қилишганди. Ҳатто жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ҳам бутун тезкор шахмат борасида дунёда Рустамга тенг келадиган спортчи йўқлигини эътироф этганди.

Агар жорий йилнинг 18

июнь — 13 июль кунлари барча шахмат илосманларининқ диққат-эътибори Триполига қаратилган бўлса, энди бутун маърифий дунёнинг нигоҳи Ўзбекистонга — шахмат бўйича энг жаҳон чемпионининқ Ватанига қадалди. Ҳатто кечанинқ ўзида халқро ахборот тармоғи ҳисобланган интернет сайтларида "Ер юзининқ турли бурчакларида яшайдиган шахмат мухлислари

дунё харитасидан Ўзбекистонни топиш ва Рустам Қосимжоновдай ўғлонни тарбиялаб воёга етказган юртини бир бориб кўриш харақатига тушиб қолгани рост" деган мазмунда хабарлар тарқата бошлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Рустам Қосимжоновнинг бу ғалабаси тасодуфий эмас. Бу — улғу аждолларимиз аънасанининқ давоми, Юртбошимизнинг "Биз ҳеч қимдан кам эмасимиз ва кам бўлмаймиз" деган турмаъно даъватларининқ амалдаги намоени, исботи, десак хар томонлама тўғри бўлади. Зеро, ҳаммиса яшилиқдан яхшилиқ, буюклиқдан буюклиқ туғилиб келган.

Давлатимизнинг ўсиб келадиган авлодга доимий ғамхўрлиги, меҳр-мухаббат Рустам сингари ёшлар кўнглида катта умид ҳамда ўз куч ва имкониятларига ишонч туйғусини уйғотгани, улар бу эътибордан илҳом ва руҳ олиб, янада кўпроқ ғайрат ва шижоат билан олға интилаётгани боис бир-бирдан қувончи, бир-бирдан шарофли натижаларни кўлга киритишга муваффақ бўлмоқда.

Рустаму Русланлар, Мухаммадкодиру Миржапполлар, Иродою Илёслар Ватанга муносиб фаранд бўладиган хар томонлама соғлом авлоднинг, элинқ қорига ярайдиган, унинг шаънини, орини химоя қилишга қодир бўлган, истеъдоди ва маҳорати, мардлик ва жасорати билан она юртининқ шухратини янада оширадиган ёшларнинг қадирғочлари, десак муболага

бўлмайди. Мисол учун, биргина мана шу шахматни оладиған бўлсак, Рустамнинг ортидан юзлаб иқтидор эгалари етишиб чиқиб, кўплаб мусобақаларнинг ғолибига айланшиди. Иброхим Ҳамроқулов эса 16 ёшида ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осие чемпиони деган юксак унвонларни қўлга киритди.

Ёки 25 ёшида Нью-Йорк университетининқ докторанти сифатида бакавларларга математиканинқ махсус бўлимларидан сабоқ берган Фарҳод Эшматов, илмий ишлари Европа ядро тадқиқотлар марказида фойдаланилаётган, 30 ёшида докторлик диссертациясини химоя қилган Давронбек Матрасулов, Португалия, Германия, Италия, Исроил, АКШ сингари мамлакатларда бўлиб ўтган нуфузли халқро пианиночилар танловларида юксак натижаларга эришган Улғбек Полвон, Вашингтонда бўлиб ўтган "Болалар санъати-2000" халқро фестивалида ўз асаби мазкур анжуманинқ эмблемаси этиб қабул қилинган жажжи россом қизимиз Дибра Ҳасанова ҳам алломалар юртининқ муносиб ворисларидир.

Ҳар қандай жамият, хар қандай халқнинг суяничи ва таъничи ёшлардир. Юртининқ тарққити, элинқ фароноҳлиги ана шу ёшларнинг интилиши, ақл-заковати, билим ва малакаси қай даражада бўлишига боғлиқ. Шу маънода, шахмат ҳам азиздан ақл гимнастикаси, дея эътироф этилади, бу ўйинда узоқни кўра биладиган халқнинг, онга тафаккури юксак даражада ривожланган миллатнинг, ёшларини дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашнинг узининқ асосий вазифаси қилиб белгиланган юртининқ фарандлик ғолиб бўлади, десак, буни ҳеч қим инкор эта олмайдими.

Рустам Қосимжонов эртасини ўйлаган элинқ боласи. Буюклар юртида туғилиб, аждолларига муносиб равишда тож қийган ўғлон. Қадри ва қадди балан миллатнинг гурурини янада юксалтирган, билдирилган ишонч, яратилган шароит, кўрсатилган ғамхўрликка миннатдорлик тарихида сўзининқ устидан чиққан йит.

Асл фарандларинга қўза телмасин, шахмат бўйича илк жаҳон чемпионинқ муборак бўлсин, она юртим!

Озод РАҲАБОВ,
журналист.

Кун тартибига — долзарб масала

Жиззахда "Истикболли авлод" ёшлар ахборот-маърифат маркази ташаббуси билан "Инсон савдосининқ олдини олишда давлат, жамоат ташкилотлари ва халқро жағмармалар фаолияти" мавзусида минтақавий семинар конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоат ташкилотлари

ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Иштирокчилар БМТ, Халқаро Миграция ташкилоти, АЕД вакиллари, Республика Ички ишлар, Меҳнат вазирилари маъсул ходимларининқ инсон савдосининқ олдини олишга оид қизқарли маърузаларидан баҳраманд бўлдилар.

Б. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тепловозларнинг "умри" узаймоқда

Халқ хўжалиги юкларини ташишда фойдаланилаётган турли русумдаги тепловозларнинг "умри" узаймоқда. Бу ишда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКнинг Андижондаги локомотив депоси жамоаси хизмати катта бўлмоқда. Жорий йилнинг ўзида олтинчи тепловозни тўла таъмирлаб, темир изларга чиқарган соловчилар яна бир мураккаб ишга қўл урдилар. Темирйўл станцияларида юкли вагонларни силжитиш, иккинчи изга олиб ўтишда қўлай бўлган Чехия кичик тепловозларини ҳам таъмирлаш устида иш олиб борилмоқда.

А. ШОДНОАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

"Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик битимини амалга оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасидаги ЕвропЭйд дастури ишбилармонлар учун "Адвокация" ўқувини бошлади.

Ишбилармонлар учун ўқув дастури

Бундан мақсад Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштиришда бизнес тузилмаларнинг ролини оширишдир. Мазкур соҳа бўйича малакали мураббийларни тайёрлаш ушбу мақсадга эришиш йўлидоги илк босқич ҳисобланади. Бунинқ учун республикада махсус танловдан ўтган 46 нафар мураббий маҳаллий ва европалик мутахассислар томонидан ишлов чиқилган услубият асосида икки ҳафта давомида ўқитилди. Кейинчалик улар жойлардоги бизнес тузилмалари раҳбарлари ва вакиллари учун ўқув курсларини ўтказишди.

Лойиҳанинқ мазкур фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Ишбилармон оёллор уюшмаси ва Бозор кўнжмаларини ривожлантириш маркази фаоллик кўрсатмоқда. Салим ДОНИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Хитой ҳукумати мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш тизими учун 3,62 миллион АКШ доллари миқдорида фоизсиз кредит ажратди.

Хитой кредитларига тиббиёт ускуналари

Олинган кредит маблағлари асосан тиббиёт институтлари ва улар қониндаги клиникаларни даволлаш-таъхис ўқув ускуналари билан жиҳозлашга сарфланади.

Ҳозирга қадар Хитой ҳукумати мамлакатимизга имтиёзли ва фоизсиз кредитлар, кишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш, аҳолини газ-сув ўлғача таъминлаш билан тасбилаш ҳамда мелиорация техникалари хариди учун 45 миллион АКШ доллари миқдорида бераз ёрдам кўрсатди.

Фарғонада табиат кўрғазмаси

Кейинги йилларда Фарғона шаҳрида яшил майдонлар, гулзор, боғ, хибонлар тобора кўпайиб бормоқда. Зеро, бу ажиб шаҳарга улкан чинорлар, гуллар, боғлар шаҳри деган сифат ҳам қўшиб айтиляпти.

Маълумки, бу ерда ҳар йили ёз фаслида анъанавий қушлар ва гуллар байрами ўтказилади. Бу йилги танлов эса уч йўналишда — ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар бўйича алоҳида шартлар асосида ўтказилди. Биргина Фарғона Давлат университети жамоаси байрам иштирокчилари эътиборига 70 турдан зиёд қушлар, 300 хилдан зиёд ўсимликларни тақдим этишди. Талабалар

кўрғазмасида табиатнинг ноёб намуналари — Хиндистон юккаси, амазонка феладендрони, япон кактуслари, қўшалок тўтилар, кабулар нухса товусларни ҳам учратиш мумкин.

Кўрғазмада Фарғона сунъий тоғлар корхонаси номидан қатнашган З. Каримов «қизил шапкачани» балиқлар, камалак ранг кабуларларни намойиш этиб кўпчиликни лол қолдирди. У бу муваффақиятга 30 йиллик изла-нишлари орқали эриш-

ган. «Азот» бирлашмасидан иштирок этган табиат ишқибозлари эса ўзлари етиштирган 200 хилдан зиёд шифобахш гиёҳ, ўсимлик ва манзарали дарактларни одамлар эътиборига ҳавола қилдилар.

Танлов майдоида энг кўп жойни эгаллаган қатнашчилар сўзсиз хонадон соҳибалари, ишқибоз гулчилар бўлди. Шаҳарнинг Ишчилар маҳалласида истиқомат қилувчи Махбубахон Умарова танловга 100 хил навадаги ўсимлик ҳамда кактуснинг 70 хил турини тақдим этди.

Бир неча кун давом этган танлов қатнашчиларидан бир гуруҳи соҳибин билан тақдирланди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«GARANT MEBEL» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртрлари учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм
59 000 сўм
45 000 сўм
56 000 сўм

Маълумот сертификатланган

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

Тошкентдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ёшлик — олтин даврим» деб номланган талабалар фестивалига қизгин тайёргарлик қўриломоқда.

Фестиваль Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Гранд», «Водий садоси» радиолари, «Туркистон», «Ўзбекистон овози»

Олтин давр фестивали

газеталари ва бир қанча журналлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги, халқаро Талабалар куни ҳамда Меҳр ва муруват йили муносабати билан ташкил этилаётган маъруза фести- валь шу йилнинг 10

сентябрдан то 17 сентя- брига қадар ўтказилади. «Туркистон-пресс» мухбири Инобат Эгамқуло- ваннинг хабар беришича, маъруза фестивални уюшти- ришдан мақсад, ижодкор ёшларни бирлаштириш, уларнинг энг қобилиятлила- рини танлаб тарбиялашдир.

MAKTAB, KOLLEJ VA TIBBIY MUASSASALAR UCHUN

Katris МЕБЕЛЬ

ФИРМАСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.

Мебель олгани «Katris»дан, розанат қилсан дилдан.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

ВИДЕОКУЗАТУВ

Panasonic

ТВ-камералар..... 57000 сўмдан бошлаб
Мониторлар..... 332800 сўмдан бошлаб
Квадраторлар..... 452500 сўмдан бошлаб
Рақамли рўйхатга олувчи мосламалар....805000 сўмдан бошлаб

ва бошқа ускуналар

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА.

PNV-24
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Периметрни кўриқлаш тизимлари, телекузатув, кириш йўли назорати, кўриқлаш ва ёнги хавфсизлиги ускуналари, аудио ва видеодофонлар, UPS, металл детекторлари ва бошқа ускуналар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

Меҳнат ярмаркаси

Бухоро давлат университети, шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш ярмаркаси ўтказилди. Бу йил Бухоро давлат университетини 1026 нафар талаба битирди. Университет халқ таълими тасарруфидидаги ўқув муассасаларига, академик лицей ва коллежларга, корхона ва ташкилотларга 34 та таълим йўналиши бўйича бакалавр ва 24 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаб беради.

Меҳнат бозоринда мутахассисларга эҳтиёж бўлган таълим масканлари, корхона ҳамда ташкилотлардан вакиллар катташиб, ўзларига керакли касб эгалари билан шартнома туздилар.

Алоудин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс».

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Ўз маҳсулоти бўлган МАЗ русумли огир юк автомобилларини, тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автоэкскаваторлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини миждоғларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барга автотехникалар учун қафолаш берилади.

Товар сертификатланган.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8 Марг кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.

МАКВОИЛ

ООО «МАКВОИЛ»
короткорезаннне и длиннотрубчатые
МАКАРОНЫ
В АССОРТИМЕНТЕ

Форма оплаты - любая

Тел.: 8 (371) 161-15-93, 109-38-23, 188-98-28, (3712) 72-97-15.

Товар сертификатланган

ШИРИН ЭНЕРГЕТИКА ВА МАИШЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2004-2005 Ўқув йилида МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА 9-11-СИНФ ҲАЖМИДА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

- 3520110 — иссиқлик электр станцияларининг иссиқлик энергетик ускуналари.
- 3520120 — қозон қурилмаларини ишлатиш ва таъмирлаш.
- 3520210 — электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш.
- 3521210 — автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш.
- 3340910 — бухгалтерия ҳисоби.
- 3521510 — назорат ўлчаш асбоблари ва автоматика.
- 3380130 — ҳуқуқ ва ҳўжалик фаолияти.
- 3522710 — пайвандчилик.
- 3540610 — тикувчилик ишлаб чиқариш.
- 3810380 — радиотехника ва телеаппаратларни ишлатиш ва таъмирлаш.

Ҳужжатлар 10 июндан 1 августгача қабул қилинади. Айрим мутахассисликлар бўйича қабул курсаткичи бажарилмаган ҳолларда аризалар қабули 15 августгача узайтирилади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: белгиланган шаклдаги таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган ариза; маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; 086—У шаклдаги тиббий маълумотнома; 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат; доимий яшаш жойидан маълумотнома; худудий касб-ҳунар психологик-педагогик марказнинг тавсияномаси; турилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма; 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11-синфларда тахсил олганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома.

Мутахассисликларга белгиланган режадан аризалар сони кўп бўлса 1 августдан 15 августгача тест синовлари ва суҳбатлар ўтказилади. Тест синовлари математика, она тили ва адабиёти фанларидан рус ҳамда ўзбек тилида ўтказилади. Ўзоддан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Манзиллими: Ширин шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 64-49-45, 64-51-45, 64-51-16.

Касб таълими бўйича маслаҳат маркази

Автомобилларни газ (метан) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Тўшақбоп пахта сотиб оламиз.

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: lrateniks@mail.ru

«Sun Trading Guliston» масбуляти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2004 йил 12 июлдаги умумий йиғилиши баённомасига мувофиқ устав фондини 12752500 сўмга камайитириши тўғрисида эълон қилади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полеской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.	
	Цены действительны по 10.08.2004 г.	
ДУ 15x2,8 мм	799000	
ДУ 20x2,8 мм	799000	
ДУ 25x3,2 мм	795000	
ДУ 50x3,5 мм	790000	
ДУ 65x4,0 мм	790000	
ДУ 80x3,5 мм	790000	
ДУ 100x4,0-5,0 мм	790000	

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

76x3,5 мм	790000
89x4,0-5,0 мм	790000
108x3,5-5,0 мм	790000

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полеской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommash@ikt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йўли, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлоиҳа».

Товар сертификатланган, услуги лицензированы.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллиев, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Кино арбоблари бирлашмаси кинорежиссёр Шўҳрат Аббосовта укаси **Хислат АББОСОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Кино арбоблари бирлашмаси кинорежиссёр Хайрулла Жураевта волидан муҳтарамаси **ҚЎЗИОЙ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«O'zmashta'minot» АЖ жамоаси корхона бош директори Мирбаҳодир Мирабобовта акаси **Мирборий МИРАЮБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик суди кадрлар бошқармаси бошлиги Бахтиёр Махаматовта онаси **МУҲАРРАМ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирилик Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Хайрулла Жураевта онаси **ҚЎЗИОЙ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошкент гўшг-сут савдо» ОАЖ жамоаси директор муовини Мирпозил Мирабобовта акаси **Мирборий МИРАЮБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж касаба кўмитаси раиси Анвар Табибовта волидан муҳтарамаси **МАҲФУЗА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқади драма театрининг сойқ директори, Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси **Риҳсибой ҚУДРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 869, 2202 нускада босилди, ҳажми — 2 тўбоқ. Өфсет усулида босилган. Көзөз бичими А-2. Газета ИМ компьютеризация терияди ва операторлар Жамшед Тоғиев ва Баҳодир Файиев томонидан сақлаланди. Тахрирхонада ҳажми 5 көзөздан зиёд материаллар қўйиб қоллинмади. П-Тюкорит материалди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ациядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳўза якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — Х. Каримов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Муасхўҳ — М. Ёкубова.